

Ислом КАРИМОВ:

ЎЗИНИ ЕТАКЧИ ДЕБ, РАҲБАР ДЕБ, ҚАРВОНБОШИ ДЕБ ҲИС ҚИЛАДИГАН, ЎЗ ЗИММАСИГА РАҲБАРЛИКНИНГ ЎТА ОФИР МАСЪУЛИЯТИНИ ОЛАДИГАН ОДАМ ШУ ЮРТНИНГ ҒАМ-ТАШВИШЛАРИ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ШУ ЭЛ-ЮРТ НАҲАСИ БИЛАН ЯШАШИ, ҲАЁТ КЕЧИРИШИ КЕРАК.

O'ZBEKISTON VOZI

2000 йил
28 март,
Сешанба

№ 39 (25.589).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN
CHIQA BOSHLAGAN

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ВЛАДИМИР ПУТИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

ТОҒДА НАВРЎЗ

Муҳтарам Владимир Владимирович, Сизни Россия Федерацияси Президентининг сайловида қатъий ғалабага эришганингиз билан чин юракдан муборакбод этаман.

камлаш мақсадида янада кенгайиб, чуқурлашиб боришига ўзбекистонликларнинг ишончи комил.

Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, Россияга эса фаровонлик ва тараққиёт ёр бўлсин.

Камоли эҳтиром билан,
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шу куни Ислом Каримов билан Владимир Путин ўртасида телефон орқали суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси раҳбари В. Путинни Россия Федерацияси Президентининг лавозимига сайлангани билан самимий қутлаб, унга Россиянинг раънақи йўлидаги фаолиятида муваффақият тилади. Иккала давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия муносабатлари икки халқ бахт-саодати йўлида, тенглик ва ўзаро ишонч асосида ривожланаверишига ишонч билдирди.

(ЎзА)

Нурота тоғ тизмалари дараларида жойлашган сўлим ва хушхаво Накурт, Гараша, Юқори Сарой ҳамда Қўлтўсин қишлоқлари ҳам баҳорий қувонч инди. Тоғликлар қалбида Наврўз ўзгача серзавқлик ва сержилолик ила байрам қилинди ҳамда қадрланди.

— Мен саксон ёшга кирдим. Фамилиям ҳам Саксонов, — дея Пайариқ тумани, «Халқобод» ширкатлар ҳўжалиги аъзоларини ва ҳамқишлоқларини муборакбод этди Маҳмуд ака. — Наврўзимизни қоралаган, тупроққа қораштиромоқчи бўлган даврларни ҳам кўрдим. Оллоҳга беадад шўқлар бўлсинки, муस्ताқиллигимиз туфайли баҳорий айёмимиз, қулгўз удумимиз ўз қадр ва эъзозини топди. Тошкентда ўтган Наврўз шодиёнасида юртбошимиз юзидаги қувонч ва табассумини ойнаи жаҳон орқали кўриб юртимиз тиш бўлиши, халқимиз фаровон яшашига имон келтирдим. Иншооллох шундай бўлсин.

Кўчна тоғ этакларидаги адир кекса-ёшга тўлди. Наврўзга тоғ гиёҳларидан тайёрланган таомлар олиб чиқилди. Ғолиб пазандалар аниқланди. Совғалар берилди. Кўпқарига тушган моҳир чавандозлар Андаполвон, Саъдуллаҳон, Шералиполвонларнинг «Хув, ҳо-си тоғу тошларда акс-садо берди. Наврўз со-вринларининг ҳам кўпи шуларники бўлди. «Ўзбекистон хаво йўллари» Самарқанд бўлими учувчилари тоғликларни кўкда туриб қутлашди. Самолётдан қулгўз ёзилган қоғозлар ўрик гулларидек ёғилди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 28 мартдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	89,32	1 Миср фунти	43,05	1000 Туркия лираси	0,25
1 Австрия шиллинги	10,40	10 Испания песети	8,60	1 Финляндия маркаси	24,06
1 Англия фунт стерлинги	233,69	100 Италия лираси	7,39	1 Франция франки	21,81
10 Бельгия франки	35,46	1 Канада доллари	100,28	1 Швейцария франки	89,49
1 Голландия гульдени	64,92	1 Хитой юани	17,77	1 ЕВРО	143,06
10 Греция драхмаси	4,29	10 Люксембург франки	35,46	10 Жанубий Корея вони	1,33
1 Дания кронаси	18,21	1 Малайзия ринггити	38,73	10 Япония иенаси	13,72
1 БАА дирхами	40,06	1 Германия маркаси	73,15	1 Россия рубли	5,19
1 АКШ доллари	147,15	1 Польша злотийси	36,43	1 Украина гривнаси	27,03
		1 СДР	197,07		

*)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЭТИРОФ

ДЕПУТАТ БОШ КЎШДИ

ва Чустда 80 киши ишли бўлди

Чуст шаҳрида қандолатчилик корхонаси бўларди. Бу корхона бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беролмади. Ишлаб чиқариш орқали кетди ва охири-охири банкротликка юз тушди.

Нима қилиш керак? Ана шу савол кўндаланг бўлган бир пайтда сайловлар компанияси бошланди. Иттифоқ депутатликка номзодлар билан учрашувда «Истиқбол» қандолатчилик корхона хизматчилари бўлажак номбардан кўмак сўрашди. 84-Камарсада сайлов округидан депутатликка сайланган «Ёшайтмаксисаноат» уюшмаси раиси Азамат Жамолов ваъда берди: корхона кенгайтири, тўла қувват билан ишлайди, дея.

Тўғри, ўша йилгилишда бунга бир ваъда-да деб қараганлар ҳам бор эди. Лекин ваъда бажарилди. Корхона қошида совун ишлаб чиқаришга мўъассаси чех ишга туширилди. 80 чоголи совунгарлик касбинини ихтиёр этди.

Чустликлар ишончинин қозongan депутат А. Жамолов сайловдан кейинги ўтган даврда корхонани кенгайтиришга амалий ёрдам берди. Корхонага 50 миллион сўмликдан зиёд технологик ускуналар ўрнатилди ва ҳар сменада 10 тоннагача совун тайёрлаш имкони туғилди. Хомқўтларга кўра шу тариқа йилга 600 миллион сўмлик рўзгор учун зарур маҳсулот ишлаб чиқарилади. Айни вақтда қандолатчилик чежи ҳам ишга тушиб кетди.

Корхонанинг расмий тақдирот маросимида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Йўлдошали Жураев, депутатнинг ўзи сузлади. Чин қалбдан миннатдорчилик изҳорлари янгради.

— Азамат Бақаридинович кичика дурсидада чустлик сайловчиларнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлдилар, — дейди туман ҳокими Турдиали Рўзиев. — Сабоби у кишининг Чуст шаҳрида қўшимча ишчи ўринлари барпо этиш, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашга доир сайловолди дастури ўз ечимини топапти-да.

Ҳо, шунанка. Узини билган депутатлар, Азамат акага ўхшаб сайловчиларга берган ваъдаларини бажара бошладилар.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири



Дунёни гўзаллик кутқаради

Владимир ПАНОВ олган сурат

ЯША ВА ЁДИНГДА ТУТ

БИР ОИЛА ТАҚДИРИ

ЎКИ

кирк беш неварга, йигирма беш чевара бувиси ва бобосининг ҳаётидаги унутилмас воқеа ҳақида

«Яқинда Ислом Каримов Қашқадарёда ишлаб юрган кезлари бир муштинлар аёл бир этак боласини етказиб, нажот истаб келганини эсга олади. Маълум бўлишича, десантчилар унинг эрини қамagan, унинг талаган, ҳатто онасидан қолган бирдан-бир ёдгорлик — қўлидаги узугини ҳам тортиб олишган. Ўша аёлнинг муштинини қарашлари, офтобда қорайсан бармоғидан узук изи халло-бери кўз олдимида, деди у».

«Халқнинг дардига дармон, кўнглига малҳам бўлган Исон» деган мақоладаги* шу сатрларни ўқиб, Президентимиз эсга олган ўша аёл ким? У ҳаётми? Кейинги тақдирини қандай кечган? — деган ўйлар ҳаёлимни банд этди. Лекин мақоладан бунга жавоб топа олмадим», — деб ёзди наманганлик Дилором Ёкубова.

Ҳақиқатан, ким бу аёл?
Нажот истаб келган, нима ўзгартири бўлган? Ва бу унинг кейинги ҳаётида қандай бурилиш ясаган?

Аянинг исми Зулфина экан, Зулфина Шодиева. Биз уни излаб, қош қорайганда Қарши туманининг Қорақўнғирот қишлоғига кириб бордик. Ая фариштали, марҳаматли аёл, ҳозир у 65 ёшда.

— Ўшанда ҳўжалигим ҳозирги «Истиқбол» ҳўжалигига раҳбар

(Давоми 2-бетда)

АЧЧИК, АММО ОЧИК ГАПЛАР

«Хоразм» фермер ҳўжалиги ўтган йил 320 гектар майдонга шולי экиб, тайёрлов илорасига шартномадаги 704 тонна ўрнига 1185 тонна ҳосил топишди. 51 миллион сўм даромад қилди. Шундан 15 миллионни соф фойда. Ўтган йил ўрим мавсумида техника етишмаслиги туфайли ортирган ташвишлар, югур-югурлар, энг ёмони далада қолиб кетган ҳосил фермер ҳўжалиги раҳбари Бердибой Наврўзбоевнинг ҳали ёдилан кўтарилгани йўқ. Шунинг учун ҳам бу йил ўрим мавсумига янги комбайнлик бўлишига ҳаракат қилипти. Иложи бўлса лизингга олмақчи. Аммо ҳали-вери мақсадига етолмайди, шекилли. У ер бу ерга бориб кўрди, суриштирди.

— Лизингга сотиладиган техникалар рўйхатини беришди, — деди деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги бош агрономи Маҳсет Раҳметов қайсибир ташкилотта борганини айтиб, унинг номини тўлиқ эслай олмади. — Лекин куруқ гап экан... Юқори ташкилотимизга айтиб қўйибмиз, улар марказда ўтиришибди, қаерда нима бор, билишди, хабар қилиб қолишар...

Бердибой Наврўзбоев ўзи аъзо бўлган ва бадалларни бекам-кўст тўлаб турадиган уюшманинг туман вакиллигига мурожаатидан натижа чиқармаганга, ўзи излана бошлади. Нукуса «Бизнес-фонд»га борди. Улар Тошкентта борганда суриштириб кўришга ваъда беришди.

Булар ҳисоб рақамида миллионлари нақд турган фермернинг ташвишлари. Техника хизматида МТПдан ўзга илгинчи бўлмаган фермерларнинг муаммоси олдида булар ҳолва. «Роҳат» фермер ҳўжалиги бошлиғи Собир Сапарбоев оила аъзолари билан ўтган йил 18 гектар ерда шולי етиштириб, шартномани 120 фоизга уддалади. Яна 5 тоннага яқин шולי ҳосили далада қолиб кетди.

Умуман, деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган фермерлар ўтган йил шартнома бўйича 2200 тоннадан зиёд шולי етиштириб тайёрлов илорасига топишган бўлсалар, яна 1000 тоннага яқин шולי қор остида қолди. Уюшманинг туман вакиллиги машина-трактор саройини комбайнлар билан вақтида таъминламагани учун даъво қилмоқчи бўлди. «Шартномада комбайн билан таъминлаш лозим бўлган кунларнинг санаси аниқ кўрсатилмаган, фақат «йигим-терим мавсуми давомида» деб кўрсатилган», дейишди МТПчилар. Шу бир оғиз гап билан вакилликдагилар ҳовридан тушди-қолди...

— Бу йил МТП билан ўзим шартнома туздим, — дейди фермер Собир Сапарбоев. — Санасини ҳам аниқ кўрсатдим...

Сирасини айтганда, чимбойлик фермерлар уч-тўрт йиллик фаолиятлари давомида, агар имконият бўлса, тайёрловчи билан ҳам, хизмат кўрсатувчи билан ҳам бевосита қизиқиш билан эшитдилар. У ёғини сўрасангиз, йигиллишда айтилган гапларнинг натижасини ҳам кўришди. Яқинда ҳокимликнинг мажлислар залига барча фермерларни тўлаб, тайёрловчи ташкилотлар билан бевосита шартнома тузинг, дейишди. Етиштирган шолисини тайёрловчи ташкилотга қарзга ботган уюшмалар орқали сотиб, 1996 йилги ҳосили пулини ҳалигача оломай юрган фермерларга бу гап мойлай ёқди.

Чимбойлик фермерлар билан март ойининг ўрталарида уч-рашган эдик. Шу вақтгача «Чимбойдон» ҳиссдорлик жамияти 12 нафар фермер билан шартнома тузибди, холос. Шолчилик билан шуғулланадиган 170 фермер фаолият кўрсатаётган туман учун бу жуда оз кўринади. Қолганларичи, десак, «Балким, фермерлар уюшмаси туман вакиллиги билан шартнома тузишгандир», деди ҳиссдорлик жамияти раиси муовини Мустафо Шалабоев. Аён бўлдики, ўтган йил фермерларга тайёрловчи ташки-

лот билан бевосита шартнома тузишга рухсат беришмаган экан. Бу йил фермерлар кимга мурожаат қилишини билмай боши қотган.

Ҳатто, фермер Далибой Отаназаров: «Нимага тайёрлов ташкилотига боравермайсиз?» деган саволимга, «Қабул қилишармикан», деди иккиланиб...

Фермер ва деҳқон ҳўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги бош агрономи Маҳсет Раҳметов эса шу кунгача «Чимбойдон» ҳиссдорлик жамияти билан икки марта қайта шартнома тузишганини айтди. Афтидан ҳамма — тайёрлов ташкилоти ҳам, туман вакиллиги ҳам фермерлар учун эмас, ўзи учун қулай услубда шартнома тузишни излапти, шекилли...

Бу ёқда ерларни экишга тайёрлаш керак. Техника учун ёнгли керак. Ҳаммаси учун эса пул...

— Ўзи шартнома тузиш учун фермер сизни излаши керакми ёки сиз фермерларнинг олдида боришнинг керакми? — деб сўрадик Мустафо Шалабоевдан.

— Ҳокимлик фермерларни бир жойга тўлаб берсин-да, — деди муовин.

■ Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири



ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000 1994 ЙИЛ

Ноябрь. Республикамизда меҳмон бўлиб турган халқаро Конрад Аденауэр фонди вакили жаноб Седат Акай Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташриф буюрди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов унга республика президенти И.А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг бориши, ХДП ташкилотлари ва аъзоларининг улардаги фаол иштироки ҳақида сўзлаб берди. Партиянинг бўлиб ўтган навбатдан ташқари II курултой натижалари, унда қабул қилинган ҳужжатлар, хусусан, сайловда Сидеий дастури тўғрисида тўхталиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бўлажак сайловларга катта тайёргарлик ишлари олиб борётганлигини билдирди.

1 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Бельгия Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Мишель Адам қабул қилинди. Марказий Кенгаши биринчи котиби меҳмонни мамлакатимиз Президентига ишонч ёрлигини топширганлиги билан қутлаб, унга элчилик фаолиятида муваффақиятлар тилади.

3 декабрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сидеий ижроия қўмитасининг партияимиз аъзолари ва фаоллари, барча фуқароларига Мурожаати матбуотда чоп этилди.

10 декабрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Тунис Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Ризо Тинанинг, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди.

16 декабрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Сайлов тизимларини қўллаб-қуватлаш бўйича халқаро жамғарма вакили Даниэл Блессингтон қабул қилинди. Бу жамғарма қароргоҳи АКШда жойлашган.

27 декабрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Россия Федерацияси Давлат думасининг МДХ мамлакатлари ва ватандошлар билан алоқалар қўмитаси аъзоларининг шу қўмита раисининг ўринбосари Г. Чуркин раҳбарлигидаги гуруҳи қабул қилинди. Меҳмонларга партияимиз ва унинг дастурий мақсадлари, у ташкил этилган вақтдан буйен босиб ўтилган йил ҳақида сўзлаб берилди. Учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Ф.Сидорский иштирок этди.

31 декабрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сидеий ижроқўмининг партия аъзолари ва республикаимиз барча фуқароларига Янги йил табриғи эълон қилинди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

ОКСИГУМАТ — УНДА БОР КАРОМАТ

Қишлоқ ҳўжалиги экинлари, жумладан, гўза ҳосилдорлигини ошириш — шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлиги, ундаги органик ва минерал озуқа унсурлари захирасидан фойдаланиш имкониятларини излашни тақозо қилади. Албатта, бу ўринда биз биринчи навбатда кимёвий корхоналарда ишлаб чиқариладиган мураккаб таркибли ҳар хил органик ва минерал ўғитлардан экинларнинг вегетация даврида фойдаланишни кўз олдимизга келтирамиз. Лекин бу ўғитларнинг белгиланган мейёрдаги миқдорини экин майдонларида фойдаланишни ҳўжалиқларнинг иқтисодий имконияти чегаралаб қўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳўжалиқ ўзининг имкониятига қараб, тупроқ унумдорлигини оширишнинг, унинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланишнинг арзонроқ, ўзи учун қулайроқ бўлган йўлларини излаши лозим. Бу ўринда биз биринчи навбатда маҳаллий ўғитлардан — гўнлардан, эски иморатлар, эски сўғориш шаробчаларидан чиққан чўкиндилардан кенг фойдаланишни тавсия қиламиз, чунки булар таркибида ўсимлик учун зарур бўлган органик ва минерал озуқа унсурлари мавжуд. Албатта, бу билан ҳўжалиқда мавжуд барча қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишга эришиш кийин кеңади. Бундай кийин муаммони ҳал қилиш учун албатта фан ютуқларидан фойдаланиш лозим.

Бу ўринда биз ҳозирги кунда республикаимиз деҳқонлари учун ишлатилиши қулай ва арзон, инсон саломатлигига мутлақо ҳавф тугдирмайдиган экологик тоза — оксигумат стимулятори тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Оксигумат — кўнғир кўмир таркибидан водород пероксиди билан ишқорий муҳитда каталитизатор иштирокида 10 фоизли тасйир қилувчи модда — гумин кислотасининг концентраланган сувоқлиги сифатида чиқарилади. Сувда осон эрувчан гумин кислота тузлари ва индивидуал кислотод сақлаган бирикмалар — аминокислота ва моносакхаридлар ҳосил бўлади, улар ишқорий муҳитда физиологик активликка эга бўлган гуминсимон моддаларга айланади. Ҳосил бўлган сувда эрувчан гумин кислоталари ва гуминсимон моддалар авваламбор, ўсимликнинг илдиз тизимини, кейинчалик ер усти ривожини кучайтиради. Уларда барглардаги хлорофил ҳосил бўлиши ва фотосинтез жараёнига сезиларли тасйир кўрсатади. Ўсимлик организмиде моддалар алмашинуви кучаяди, нафас олиш яхшиланади, синтез жараёна-

ри ва ташқи муҳитдан минерал тузларнинг кириши ортади. Бундан ташқари гумин кислоталарининг эрувчан тузлари тупроқ микроорганизмларининг ҳаёт фаолиятини муқобиллаштиради, бу эса ўсимликнинг минерал озикланиши яхшиланишига олиб келади. Ушбу хусусиятларга кўра ўсим ва ривожланиш регулятори — оксигумат тасйир ўсиш жараёналарига ўсимлик ривожланишининг бошланғич даврида сезиларли даражада намоен бўлади, фенологик фазаларга (босқичларга) кириш тезлигини оширади. Натижада буларнинг ҳаммаси ўсимлик ўсишини кучайтиради, ҳосилдорликнинг ошишига, унинг етилиши тезланишига ва маҳсулот сифати яхшиланишига олиб келади.

Оксигумат таркибидеги физиологик актив гумин кислоталари тасйирда ўсимликнинг турли хилда намоен бўладиган ташқи муҳитдаги ноқулай шaroитларга қаршиликни ошади, яъни ўсимлик иссиқ ва совуққа, минерал ўғитлар (айниқса азотнинг) ортика дозасига, биоферрадаги етишмовчиликлар, софрдаги чўкиндилардан кенг фойдаланишга чидамлилиги ортади. Оксигумат тупроқнинг аллопатик зўриқини олдини олиш мақсадида ҳам қўлланилади, бу эса гумус етарли бўлмаган тупроқлар учун муҳим. Узоқ давом этган монокультура ўсимликлардаги замбуругли касалликларга қарши фунгицид сифатида ишлатилади. Шунинг таъкидлаш лозимки, ўсимлик ўсиш регулятори оксигумат ўз таркибидеги физиологик актив гумин кислоталарининг сақлаган ҳолда минерал озикланиш манбаи ҳисобланмайди ва унинг ўрнини босмайди, балки унинг ўзлаштириш коэффициентини оширади. Шунинг учун уни минерал ўғитлар билан аралашма ҳолда ёки улар фониде қўлланилади.

Оксигуматда оғир металллар тўпланмайди. У оқар сувлар ва ҳавода бошқа моддалар билан заҳарли бирикмалар ҳосил қилмайди, ёнмайди ва портламайди, инсон саломатлиги учун ҳеч бир ҳавф тугдирмайди, экологик тоза модда ҳисобланади.

Юқорида кисканча тавсифланган, катта кўл ва имкониятга эга бўлган ҳақда деҳқонлар учун қулай бўлган оксигумат стимулятори Англиянинг «Линмач» ЛТД компанияси компания президенти А. Ли, ўринбосари А. Нормухамедов маҳсулотидир. Оксигумат ўсиш ва ривожланиш стимулятори оксигумат Туркманистон, Белоруссия ва Ўзбекистоннинг турли хил тупроқ, иқлим шaroитида техник ажинлари, дон, сабзаот, полиз, мевали ва манзарали дарактларда кенг миқёсда ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтди.

Олинган тажриба натижалари асосида оксигумат препаратини қўллаш бўйича махсус йўриқнома (кўрсатма) ишлаб чиқилди. Бу йўриқномада кўрсатилишича, препарат 20 хилдан ортика қишлоқ ҳўжалик экинларида синиб кўрилган ва жуда катта ижобий натижалар берган. Оксигумат стимуляторини қўллаш уруғни экишга тайёрлашдан олдин ивитиш, сўнгра униб чиққан ўсимликлар майсасини 2-3 марта ба оксигумат суви эритмаси билан пуркаш ёки сўғориш сувига аралаштириш йўли билан олиб борилади. Бунда экин турларига қараб оксигумат стимуляторининг сувдаги 0,005, 0,008 ва 0,01 фоизли эритмалари тайёрланади. Бу концентрат эритмаларни тайёрлаш йўриқномада ўз аксини тошган. Шунингдек йўриқномада оксигумат стимуляторини экинлар ўсиб чиққандан кейин ишлаш, пуркаш муддатлари ҳам кўрсатилган.

Кўп сонли тажрибалар асосида кўрсатиш мумкинки, уруғни экишдан олдин оксигумат ва заҳарловчи моддалар билан ярим кўруқ дориларни биргаликда ўтказиш ҳосилдорликнинг 6,5-10,0 центнер ошишига олиб келади. Бу рақамларнинг тўғрилиги ишонч ҳосил қилиш учун республикаимизда оксигумат стимуляторини қўллаш бўйича олинган тажрибалар натижаларига мурожаат қилимиз. Оксигумат стимуляторини қўллаш Тошкент вилояти Янғийўл туманидаги «Нивёбош» жамоа ҳўжалиги 6-ва 18-бригадларида (400 га.) гўза ўсимлиги 3 марта 0,005 фоизли эритма билан ишлаш натижасида пахта ҳосилдорлиги гектарига 38,7 центнери ташкил қилди. Худди шу бригадалардаги назорат майдонларида эса пахта ҳосилдорлиги гектарига 26,1 центнерга тенг бўлди. Кўриб турибсизки фарқ гектарига 12,6 центнер. Яна қизиғи шундаки, тажриба майдонларида пахта 10-12 кун олдин пишиб етилди. Худди шундай тажриба Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани «Дўстлик» жамоа ҳўжалигининг 16-бригадасида ўтказилди, бунда пахта ҳосилдорлиги назорат майдонига нисбатан гектарига 12 центнерга кўпайди, ҳосил 10-15 кун олдин етилди.

Оксигумат стимулятори республикаимизнинг энг жануби — Сурхондарё вилояти Жарқўрган туманидаги Т. Шобуров номи жамоа ҳўжалиги 5-бригадасида қўлланилиб, пахта ҳосилдорлиги гўза ўсимлиги 3 марта оксигумат эритмаси билан ишлаш берилганда назорат майдончасига нисбатан гектарига 9,7 центнерга, 2 марта ишлаш берилганда эса 7,1 центнерга ошди. Бунда ҳам гўза кўсақларининг пишши 10-15 кунга тезлашганини қайд қилинди. Яна бир тажриба — шу вилоятнинг Термиз тумани «Халқобод» шир-

кат ҳўжалиги 2-бригадасида ингичка толали гўза нави билан олиб борилади. Бунда ҳам ҳосилдорлик ошганлиги, энг асосийси ҳосил пишши даврининг 10-15 кун олдин бўлиши кузатилди. Сурхондарё вилоятининг юқорида кўрсатилган жамоа ҳўжалиқларида галладан сўнг «Юлдуз» гўза нави оксигумат билан ишланиб экилганда иккинчи ҳосил ҳам, унинг сифати ҳам яхши бўлганлиги ва ҳосилдорлик эса баҳорда экилган назорат майдон ҳосил кўрсатини (28 ц) билан тенг бўлганлигини кўрсатилди. Оксигуматни қўллаш билан докли экинлардан кейин иккинчи ҳосил — пахта етилтириш имконияти борлиги исботланди. Келтирилган рақамлар оксигумат стимуляторида катта каромат борлигидан далолат беради, бунда қўллаган ҳўжалик эса қўшимча даромад соҳиби бўлади. Деҳқонларга бу стимулятори қўллашнинг яна ўнғай томони бор. «Линмач» компанияси бу препаратни ҳўжалиқларга энг олдин бирон бир маблаг ўтказмасдан беришни кафолатлайди. Оксигуматни қўллаган ҳўжалик йил охирида оксигумат ишлатилмаган даладаги ҳосилга нисбатан олинган қўшимча даромаднинг атиги 30 фоизини ушбу компанияга пул ҳисобида ёки маҳсулот сифатида ўтказайди. «Линмач» компаниясининг бу ҳаракати мамлакатимизнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришда инвесторларни жалб қилиш дастурига мос келади.

Бундай тажрибалар 1998-1999 йилларда ўтказилган бўлса, 1999 йилнинг кузидан бошлаб экинларнинг оксигумат стимуляторининг сувдаги эритмасидан фойдаланиб экилган майдонлар ҳажми анчага ошди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 5 минг, Тошкент вилоятида 15 минг, Сурхондарё вилоятида 2000, Наманган вилоятида 5000, Бўхоро вилоятида 7000, Хоразм вилоятида 40, Жиззахда 1000, республика бўйича 45000 гектардан ортикароқ сўғориладиган ерлардаги докли экинлар уруғи оксигумат стимулятори билан қайта ишланиб экилди. Ҳозирги кунда гўза чигитини ивитиби экиш бўйича ҳам вилоятлардан буюртмалар олинган. Ишончимиз комилки, республикаимиз деҳқонлари ўзи учун энг қулай бўлган кароматли оксигумат стимуляторидан фойдаланиб ўз даромадларига даромад қўшадилар.

■ Т. АБДУРАХМАНОВ, ЎЗМУ биология тупроқшунослик факультети декани, Л. ТУРСУНОВ, ЎЗМУ тупроқшунослик кафедраси мудири

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС, ДЕҲҚОН-ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШНЕФТМАХСУЛОТ» унитар корхонасида Тошкент шаҳар ва вилояти кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва ташкилотлари юқори ташкилотига эга бўлмаган ва ўрнатилган қонунчиликка асосан давлат рўйхатида қайд этилган, ўзининг низоми ва таъсис этувчи ҳужжатлари асосида иш юритувчи, Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик субъекти этиб тан олан, Давлат бошқарув идорасини белгилаш тизими бўйича кодлари 05404, 06404, 06414, 07734, 07744, 07774, 07794, 07994 бўлган мустақил ташкилотлари, фирмалари, уюшмалари, жамиятлари, давлат корхоналари, хусусий корхоналари, қўшма корхоналар ва чет эл сарможалари асосида ташкил топган корхона ва ташкилотларга, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Тадбиркор банк», «Бизнес фонд» ҳамда деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюшмалари таркибига кирмаган деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари бўйича автобензин ва дизель ёқилғиси лимитлари (фондлари) учун талабномаларини қабул қилиш давомида этмоқда.

«ТОШНЕФТМАХСУЛОТ» унитар корхонаси кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари ҳамда истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида нефть база ва

АЁҚШЛАРНИНГ ИШИ ЮЗАСИААН ТАКЛИФ ВА ЭЪТИРОЗЛАРНИ ҚУЙИЛАГИ ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ 24-78-93, 24-85-00, 24-97-57 ОРҚАЛИ БИЛАРИШЛАРИ МУМКИН.

«ТОШНЕФТМАХСУЛОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ

Хўқуқшунослик билимлари ўқитиладу

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҚОШИИА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ХЎҚУҚШУНОС» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХЎҚУҚИЙ-МАСЛАҲАТ ФИРМАСИ ОЛИЙ УҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН УЧ ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСИНИ ТАШКИЛ ЭТАИ. МАШҒУЛОТЛАР ОНА ТИЛИ ВА АААБИЁТИ, ТАРИХ, ЧЕТ ТИЛЛАРИААН ГУРУҲЛАРГА ҚАРАБ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИАА ОЛИБ БОРИЛААН. ХЎЖАТЛАР 2000 ЙИЛНИНГ 15 АПРЕЛИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНААН. ШУНИНГДЕК, ФИРМА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ФУҚАРОЛАРГА ҲАР ХИЛ ХЎҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ ХИЗМАТИ ҲАМ КўРСАТААН.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй Юридик институт биноси, «А» корпус, 13-хона.

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ш. Рашидов номи «Шўрчидонмаҳсулотлари» оқиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2000 йил 28 апрель кун соат 10⁰⁰ да Шўрчи шаҳри, ун комбинати даҳаси, жамият клубида ўтказилишини маълум қилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 9⁰⁰ дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1999 ЙИЛГИ ИШ ЯКУНАЛАРИ Тўғрисидаги Ҳисоб-БОТ.
2. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1999 ЙИЛ УЧУН ДАРОМАД Ҳисоботини ва ЙИЛИК БАЛАНСИНИ ТАСДИҚЛАШ.
3. ТАҒТИШ КОМИССИЯСИ ҲАМДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ ХУЛОСАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ.
4. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРИ ВА УЛАРНИ ТўЛАНИШ ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАШ.
5. БОШҚАРУВ ОРГАНИ ВА КУЗАТЎВ КЕНГАШИ ҚАРОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР.

Жамият манзили: Шўрчи шаҳри, ун комбинати даҳаси, Жамият клуби

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2000 йил 12, 19, 26 апрель кун Тошкент шаҳрида соат 10⁰⁰да ўтказиладиган навбатдаги

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

12 апрель кун сабдога қўшидагилар қўшилади:

- 1) Юқори Чирчиқ тумани АЖ 5-Автосаройга қарашли: «ГАЗ — 2411» русумли, давлат рақами 01-10 ТПНО, бошланғич нархи — 114000 сўм; «УАЗ — 33032» русумли, давлат рақами 11 АН 408, бошланғич нархи — 78000 сўм;
2) Окқўрғон тумани ҳокимиятига қарашли: «ГАЗ-2411» русумли, давлат рақами 01-58 ТПШ, бошланғич нархи — 80000 сўм;
3) Чиноз тумани «ПАХТА-КАБЕЛЬ» корхонасига қарашли «ВАЗ — 2106», давлат рақами 67-07 ТПША, бошланғич нархи — 200000 сўм;
4) Чиноз тумани «ПАХТА-КАБЕЛЬ» корхонасига қарашли «ВАЗ — 21043», давлат рақами 68-50 ТПША, бошланғич нархи — 181000 сўм;
5) Чиноз тумани «33-сонли ХМКК» МЧЖга қарашли «ГАЗ-5201», давлат рақами 69-79 ТПШ, бошланғич нархи — 87000 сўм.

19 апрель кун сабдога қўшидаги ер майдонлари қўшилади:

- 1) Юқори Чирчиқ тумани «Иик-Ота» ж.х. сойлашган 400 кв.м. 12 та ер майдони, 1та ер майдонининг бошланғич нархи — 23200 сўм;
2) Паркент тумани Чанги ж.х. Самарск қишлоғида 400 кв. м. 24та ер майдони, 1та ер майдонининг бошланғич нархи — 16240 сўм;

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават 9- ва 10- хоналар. Тел: 133-28-52, факс: 133-49-31.

«Эски Жўза» деҳқон бозори»

отиқ акциядордик жамиятининг бошқаруви шуни маълум қиладики, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ жамиятнинг 1999 йил ноябрь-хўжалик фаолияти натижалари бўйича дивидендлар номинал қийматида нисбатан 5,0 фоиз тўланади.

Акциядорлар 2000 йил 27 апрелдан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Шайхонтохур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

